

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2018 йил 13 апрель, № 73 (7031) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Илҳом Алиевни куни кеча бўлиб ўтган Озарбайжон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриклади.

Сайлов натижалари қардош озарбайжон халқи Илҳом Алиевни кенг қўллаб-қувватлаши ва унга улкан ишонч билдиришини, давлат раҳбарининг шахсий хизматлари ҳамда мамлакатда барқарорликни, изчил иқтисодий тараққиётни таъминлаш, халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган самарали сиёсатни юксак баҳолашини яна бир бор намоён этгани алоҳида таъкидланди.

Кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Халқларимизнинг тарихи, маданияти ва дини умумий, маънавий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштарак.

Турли даражадаги фаол мулоқотлар икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириб, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор юксак суръатлар билан ўсмоқда, икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, нефть-газ мажмуида истиқболли кооперация лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Янги Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Карс темир йўл магистрали, шубҳасиз, бутун минтақада савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда, қўшма тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Давлатлар раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон — Озарбайжон кўп қиррали ҳамкорлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни мамлакатимизга давлат ташрифи билан келишга таклиф этди.

Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбарига самимий табрик ва эзгу тилаклар учун чуқур миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга ташриф билан келиш таклифини мамнуният билан қабул қилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, божхона назорати ва расмийлаштирувининг мураккаб тартиб-таомиллари ва узоқ муддатлари, божхона органлари ходимлари ўртасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, ташқи савдо операцияларини мониторинг қилиш соҳасида идоралараро ва халқаро ҳамкорликнинг суст ташкил этилганлиги контрабанда ва контрафакт маҳсулотларни олиб киришнинг олдини олиш вазифаларини самарали бажариш, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш имконини бермаяпти.

Умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органлари фаолиятини ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик ва туризмни фаол ва жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. **Талон-торож қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа жиноятларни содир этганлик учун божхона органларининг мансабдор шахсларига нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилганлиги ва тергов олиб борилаётганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

**биринчидан**, божхона органларининг барча даражадаги тузилмалари вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, шунингдек, божхона органлари марказий ва ҳудудий маҳкамаларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил қилишда соҳавий тузилмаларнинг мувофиқлаштирувчи роли ва услубий кўмагини кучайтириш;

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## "СИРДАРЁ" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда оқилона фойдаланишини таъминлаш, шу аснода янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги ПФ-4516-сонли Фармонига асосан, Жиззах вилоятида "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда "Жиззах" ЭИЗ деб аталади) Сирдарё вилояти Сирдарё тумани филиали ташкил этилгани ва унинг чегаралари тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда "Сирдарё" ЭИЗ деб аталади) "Жиззах" ЭИЗ Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги филиали ва Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги кичик саноат зонаси негизида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар "Сирдарё" эркин иқтисодий зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни, шунингдек, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш;

эркин иқтисодий зона корхоналари ўртасида ҳамда бошқа маҳаллий корхоналар билан мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллардан юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

"Сирдарё" ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, ушбу ҳудудда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Жамоатчилик назорати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонун ҳужжатларида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**3-модда. Жамоатчилик назорати субъектлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**4-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

**5-модда. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари**

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;

жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

**6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари**

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

жамоатчилик муҳокамаси;

жамоатчилик эшитуви;

жамоатчилик мониторинги;

жамоатчилик экспертизаси;

жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**7-модда. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар**

Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 12 апрель куни ўтказилган мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.*



Илгари хабар қилинганидек, кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари аввал сиёсий партиялар фракцияларининг, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, қўмиталар ва улар ҳузурида фаолият кўрсатаётган эксперт гуруҳларининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Қонун лойиҳалари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифалар сифатида белгиланган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ қилишга қаратилгандир.

Чунончи, депутатлар ўз ишларини техник регламентларга риоя қилиш устидан самарали давлат назоратини, маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш қоидалари сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синов лабораториялари томонидан бузилмаслиги учун уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, амалиётчи мутахассислар ва олимлардан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди.

Депутатлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши заруратига тўхталиб, у маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини таъкидладилар. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синов лабораторияларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунларнинг нормаларини тўлақонли амалга оширишни таъминлайди.

**(Давоми 3-бетда).**

## Очиқ мулоқот — ҳудудларга чет эл инвестициясини жалб қилишнинг муҳим омили

*Минтақаларга инвесторларни қандай жалб этиш мумкин ҳамда бунинг учун қандай шарт-шароитлар яратиш зарур? Молия тузилмаларига бўлган ишонч даражасини нечоғли ошириш керак? Бу жараёнда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари роли нималарда акс этади? Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва мамлакат минтақаларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш: мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари" мавзуидаги халқаро конференцияда шу ва бошқа масалаларга жавоб изланди.*

XALQARO PRESS KLUB

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур анжуманда манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар, вилоят ҳокимликлари, эркин иқтисодий зоналар мутасаддилари, шунингдек, 25 та хорижий мамлакат, шу жумладан, дипломатик миссиялар, халқаро ташкилотлар ва бизнес тузилмалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш, лицензиялар олиш билан боғлиқ жараённи соддалаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада либераллаштириш, давлатнинг тартибга солиш борасидаги ролини камайтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда охирги бир йилда қулай бизнес муҳити, хорижлик инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ҳамда имтиёзларнинг аниқ тизими яратилгани инвестициявий фаолликни ошириш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри сармоялар оқимини сезиларли даражада кўпайтириш имконини берди. Президентимизнинг 11 апрель куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократик жараённи тубдан қисқартириш, хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлашнинг бозор ва ҳуқуқий механизмларини мунтазам равишда изчил мустаҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш мақсадини кўзлагани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг нуфузли халқаро рейтингларидаги мавқеига ижобий таъсир кўрсатмоқда ва чет эллик инвесторларнинг юртимиз ишбилармонлик муҳитидан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилаяпти, — деди Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев. — Аммо инвестицияларнинг 70 фоизидан ортиғи бир неча соҳаларга жалб этилган, холос.

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Жамоатчилик назорати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**8-модда. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш**

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари ўзининг очиқ ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

**9-модда. Жамоатчилик муҳокамаси**

Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

**10-модда. Жамоатчилик эшитуви**

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

**11-модда. Жамоатчилик мониторинги**

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

**12-модда. Жамоатчилик экспертизаси**

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

**13-модда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

**14-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш**

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

**15-модда. Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**16-модда. Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**17-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари**

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний ҳужжат тайёрланиши мумкин.

Якуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

**18-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 апрель
№ ЎРҚ—474

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**иккинчидан**, божхона органлари тизимида коррупция кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш, халқнинг ишончини мустаҳкамлаш ва давлат божхона хизмати обрўсини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

**учинчидан**, Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини, юқори профессионал кўникмага, маънавий-ахлоқий сифатларга ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

**тўртинчидан**, товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш орқали божхона тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини ошириш;

**бешинчидан**, “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайтириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

**олтинчидан**, божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат чегара ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

**еттинчидан**, божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

**саккизинчидан**, хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

божхона органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар, уларнинг вазифа ва функцияларини оптималлаштириш;

божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

божхона назорати самарадорлигини ошириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

самарали идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш.

Вазирлик ва идоралар, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

4. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

товарларни божхона режимларига жойлаштиришда, шунингдек, хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш маршрутларини ўзгартиришга божхона органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бекор қилинади;

бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштируви (жисмоний хусусияти, сифати, ишлаб чиқарувчиси, ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича) даврий декларацияларни тақдим этиш орқали амалга оширилади;

айнан бир хил товарларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида карантин рухсатномалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, озон емирувчи моддалар ва улардан ташкил топган маҳсулотларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш учун рухсатномалар, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этилади;

бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омбор ва божхона омбори фаолиятини лицензиялаш марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати томонидан амалга оширилади;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга;

импорт товарлари амалда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келишидан олдин, жумладан, товарларни бевосита чегара ўтказиш пунктларида эркин муомалага чиқариш орқали инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида ушбу товарларни дастлабки декларациялаш амалиёти жорий этилади;

божхона органлари солиқ органлари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари билан биргаликда устав капиталида давлат улуши бўлган давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан импорт қилинаётган товарларнинг нархини ошириб кўрсатиш ҳолатлари бўйича мунтазам равишда мониторинг ўтказади;

божхона омборларида уч йилдан ортиқ сақланиб келинаётган мол-мулклар божхона органлари томонидан ушлаб қолинади ва улар уч ой давомида талаб қилиб олинмаган ҳолларда суд қарори асосида давлат фойдасига ундирилади, кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан сотилади ёки йўқ қилинади;

божхона органлари тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва уларнинг ташқи савдо фаолияти қонунийлигини текшириш мақсадида товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқарилгандан сўнг уларнинг божхона назоратини амалга оширади;

божхона органлари томонидан етакчи халқаро ташкилотлар услубиёти асосида мунтазам равишда товарлар божхона расмийлаштирувининг ўртача вақти тизимли ўрганиб борилади, уларнинг натижалари эълон қилинади, шунингдек, ушбу соҳадаги кўрсаткичларни изчил яхшилаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида штат бирликларининг умумий сони доирасида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) **Божхона маъмуриятчилигининг илғор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармаси**, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ҳамда тавсияларини таҳлил қилган ҳолда, божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

божхона қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий нормаларни эркин, субъектив ва танлов асосида талқин қилиш ҳолатларини истисно этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

божхона соҳасида ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, божхона органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан бевосита мулоқотсиз муносабатга киришиш шаклларини жорий этиш;

божхона иши ҳамда божхона органлари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, уларни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

б) **Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси**, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

хавфи юқори бўлган, шу жумладан, дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва тасодифий танлов асосида товар партияларини божхона назорати учун мақсадли танлаб олиш методологиясини ишлаб чиқиш;

виждонли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниқлаш, уларга нисбатан соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларини қўллашнинг тартиб ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавфни бошқариш тизими самарали қўлланилишини доимий мониторинг қилиш, уни янада такомиллаштириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш.

в) **Ташқи савдо операциялари ва божхона статистикаси мониторинги бошқармаси**, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ташқи савдо операцияларининг мониторингини ташкил этиш, экспорт-импорт шартномалари ижросини таҳлил қилиш, шунингдек, божхона органларига тааллуқли ташқи савдо операциялари ўтказилишида валюта қонунчилигига амал қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосини ривожлантириш тенденциялари, шунингдек, мамлакатнинг савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

товарларнинг ташқи савдоси бўйича божхона статистикасини юритиш, уларни шакллантиришнинг барча босқичларида ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ташқи савдо соҳасида статистик маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш мақсадида хорижий давлатларнинг божхона хизматлари билан ахборот алмашиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин;

қонун ҳужжатлари нормалари бир хилда қўлланилиши, божхона тартиб-таомиллари самарадорлиги, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни тўғри таснифлаш, уларнинг божхона қийматини тўғри аниқлашни мониторинг қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи божхона постлари фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқсин;

“Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти” ва “Тошкент-товар” божхона постларида божхона тартиб-таомилларини максимал даражада соддалаштириш, божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, товарларнинг ноқонуний импорти ва контрабандани аниқлашга қаратилган божхона маъмуриятчилигининг замонавий услубларини қўллаш бўйича дастлабки лойиҳаларни амалга ошириш ишларини тезлаштириш ҳамда ижобий тажрибани бошқа божхона постларида қўллаш;

моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини мувозанатли қўллаш имконини берувчи божхона постлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси:

юқори профессионал маҳорат, ахлоқий ва маънавий сифатларга эга, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни божхона органларига жалб этишга йўналтирилган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини яратиш;

ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонунбузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш;

фидокорона хизмат қилаётган ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, хизмат интизомини ҳамда қонунчилик талабларини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий ва бошқа жавобгарликларга тортиш бўйича чоралар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда қуйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

ҳудудларда "ягона дарча" тамойили асосида божхона, банк, логистик, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида бошқа хизматлар кўрсатадиган замонавий логистик марказларни ташкил этиш;

давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги чегара божхона постларини замонавий инспекцион-кўрик мажмуалари ва бошқа божхона назоратининг техник воситалари билан жиҳозлаш;

темир йўл чегара божхона постларини давлат чегарасида темир йўл составлари кесишиш жойларига кўчириш ҳамда ушбу жойларда божхона ва бошқа турдаги давлат назоратини амалга ошириш учун зарур инфратузилмани ташкил этиш масаласини ўрганиш;

б) уч ой муддатда давлат чегара ўтказиш пунктларининг бино, иншоотлар ва автомобиль ўтиш пунктларининг ҳолатини ўрганиш ҳамда аниқ давлат органини белгилаш ва унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

жорий таъмирлаш, капитал қурилиш, техник жиҳозлашни амалга ошириш, шунингдек, ёндош ҳудудларини ободонлаштириш;

янги ўтказиш пунктларини қуриш;

давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларини босқичма-босқич балансга қабул қилиш.

9. **26 январь Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимлари куни этиб белгилансин**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқсин:

божхона қонунчилигини либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, нормаларни қабул қилишда барча учун тушунарли ва турлича талқин қилиш имкониятини истисно этишга;

ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этилишининг рағбатлантириш механизмини яратишга;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари нормалари, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларини, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва стандартларини имплементация қилишга;

божхона маъмуриятчилиги соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси, шу жумладан, тарифларни тартибга солиш ва божхона назоратини ташкил этишга.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М. Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# "СИРДАРЁ" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишда ва уларнинг эркин иқтисодий зонада жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

4. Сирдарё вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши (Ғ. Ғ. Мирзаев) Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Сирдарё" ЭИЗнинг чегараларига аниқлик киритиш, кейинчалик кенгайтириш бўйича таклифларни икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига киритилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

"Сирдарё" ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфида бўлади;

"Сирдарё" ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

"Сирдарё" ЭИЗ фаолият юритадиган муддат давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона тартиблари амал қилади;

"Сирдарё" ЭИЗ иштирокчиси мақоми Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарори билан берилади;

собиқ Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги кичик саноат зонаси иштирокчиларига нисбатан, ушбу мақомни аввал олган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги "Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида"ги ПҚ-2860-сонли қарорида кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар сақланиб қолинади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ҳамда республика ва ҳудудий даражадаги муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатувчилар эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг коммуникацияларга, уларни "Сирдарё" ЭИЗнинг ҳудудигача белгиланган тартибда кафолатли уланишини таъминлайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йиллар учун ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда белгиланган тартибда уларга "Сирдарё" ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар киритилишини назарда тутсин.

8. "Сирдарё" ЭИЗ фаолиятини оператив бошқарув функцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5032-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган "Сирдарё-фарм" ЭИЗ дирекцияси" давлат унитар корхонасига юклатилсин ва унинг номи "Сирдарё" ЭИЗ дирекцияси" давлат унитар корхонасига ўзгартирилиб, ходимлари сони 3 нафардан 5 нафарга оширилсин.

9. Белгилансинки, "Жиззах" ЭИЗ дирекцияси" давлат унитар корхонасининг ва "Жиззах" ЭИЗ иштирокчиларининг Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги "Жиззах" ЭИЗнинг филиали бўйича ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган тартибда "Сирдарё" ЭИЗ дирекцияси" давлат унитар корхонаси ва "Сирдарё" ЭИЗ иштирокчиларига ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари "Сирдарё" ЭИЗ иштирокчиларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4931-сонли Фармонининг 8-банди қоидалари "Сирдарё" ЭИЗ дирекциясига татбиқ этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги ПФ-4516-сонли Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сирдарё вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Сирдарё вилоятининг мавжуд минерал-хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, "Сирдарё" ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар — "йўл харита"лари ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмурадов ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 апрель

# ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг март ойида парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида ўтказилган назорат-таҳлил ўрганишлари якунларига кўра, бир гуруҳ депутатлар томонидан тайёрланган "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Хусусан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон қонунчилигида суғурта шартномаси бир йилгача муддатга тузилади, шунингдек, ҳар бир транспорт воситасига алоҳида суғурта полиси берилади.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида парламент Қонунчилик палатаси депутатларидан, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан, амалиётчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифаларида ҳар тарафлама муҳокама қилиш учун жойлаштирилган бўлиб, бу обуначи сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиш имконини берди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, фаолияти лицензияланадиган, транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган юридик шахсларга ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини уч ойдан бир йилгача муддатга тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу норманинг қўшилиши ташувчиларга лицензияларнинг амал қилиш муддатига қадар суғурта шартномасини тузиш, лицензияларни бекор қилиш ва қайтадан рўйхатга олиш учун ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик имконини беради.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши, таъкидланганидек, лицензияланадиган транспортда йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган ташувчилар учун шарт-шароитлар яратади.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 32 ва 245-моддаларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини, бундан янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари мустасно, амалга ошириш ҳуқуқини, "вақтинча олиб кириш" божхона режимида турган товарларни реэкспорт қилишга давлат божхона хизмати органлари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талабни бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Тузилган махсус ишчи гуруҳ томонидан иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган таҳлил якунлари тақдим этилди ҳамда ушбу соҳа эксперт-мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди.

Мажлис давомида парламент Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## Қисқа сатрларда

✓ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Жаҳон банкининг Транспорт ва рақамли тараққиёт бўйича глобал амалиёти директори Франц Дриз-Гросс бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда рақамли инфратузилма, "Электрон ҳукумат" тизими ҳамда рақамли иқтисодиёт каби таркибий қисмлардан иборат "Digital CASA" лойиҳасини мамлакатимизда татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

✓ **Беларусь Республикасининг санъат усталари ва ижодкор ёшлари томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Беларусь маданият кунларига бағишлаб уюштирилган тантанали концерт унга ташриф буюрган турли вазирлик ҳамда идоралар, маданий-маърифий муассасалар мутасаддилари, санъат ихлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакилларида унутилмас таассуротлар қолдирди.**

✓ Бухорода "Ўзбекистон — Европа ипакчилик форуми" ҳамда табиий ипак матолардан тайёрланган миллий либослар намойиши ўтказилди. Бухоро вилояти ҳокими Ў. Барноев сўзга чиққан форумда Ўзбекистон билан Европа давлатлари ҳамкорлигини йўлга қўйишдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканлиги айтиб ўтилди. Тадбир доирасида хорижлик меҳмонлар Бухоро шаҳрининг қадимий обидаларини томоша қилдилар.

✓ **Жорий йил 18 — 20 апрель кунлари Термиз шаҳрида "Central Asia 2018. Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.**

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, қатор ташкилот ҳамда муассасалар ҳамкорлигида мазкур анжуманни юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.**

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Очиқ мулоқот — ҳудудларга чет эл инвестициясини жалб қилишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада республика минтақалари кесимида инвестицияларнинг номутаносиб тақсимланганини кўриш мумкин. Бирорта ҳам қўшма корхона очилмаган туманлар ҳам бор. Буларнинг барчаси ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳам ташқи, ҳам ички инвесторлар учун шарт-шароит яратиш, қонунчиликни такомиллаштириш, соҳада муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини янада яхшилаш заруратини тақозо қилмоқда. Бинобарин, энг узоқ ҳудудларда ҳам қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш инвестициявий муҳитни барқарорлаштиришнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини шакллантириш, иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳокимларнинг, давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг фаоллигини ошириш лозимлиги қайд этилган эди. Сармоядорлар учун жойларда яратилган шарт-шароитлар бўйича рейтингни эълон қилиб бориш, ҳудудлар раҳбарларининг фаолиятини мазкур кўрсаткичлар асосида баҳолаш таклиф этилганди. Буларнинг барчаси пировардида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларга, яъни инвестиция муҳитини яхшилаш орқали мамлакат иқтисодиёти тармоқларига ва ҳудудларига хорижий инвестициялар жалб қилишни янада рағбатлантиришга қаратилган. Шу билан бирга, ушбу устувор вазифанинг бажарилиши БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш имконини беради. Мазкур дастурда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли турмуш сифатини юксалтириш назарда тутилган.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун амалиётдаги долзарб муаммоларни аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу мақсадда жорий йил 25 март — 5 апрель кунлари Олий Мажлис Сенати томонидан Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимият органлари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари вакиллари ҳамда тадбиркорлар орасида республика минтақалари кесимида тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларига бағишланган сўров ўтказилди.

Сўров натижалари таҳлилига кўра, ислоҳотлар тадбиркорлар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда ва уларнинг хоҳиш-истагига ҳамда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадларига мос келади. Таҳлиллар, шу билан бирга, умумдавлат даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам тизимли муаммолар борлигини кўрсатди. Масалан, аксарият респондентлар монополияга қарши, банк ва солиқ соҳасида тартиб-таомиллар, ҳокимликларнинг етарли даражада фаол эмаслиги асосий тўсиқлар эканлигини айтишган. Сўралганларнинг 66 фоизи фикрича, Ўзбекистонга келаётган чет эл инвестициялари оқими сустлигига малакали кадрларнинг етишмаслиги халақит бермоқда. Уларнинг 54 фоизи эса инвесторлар учун зарур ахборотлар йўқлигига, 48 фоизи ҳудудлар маъмуриятларининг инвестиция жалб қилишдан манфаатдор эмаслигига, 46 фоизи экспорт-импорт амалиётларини амалга оширишнинг қиммат ҳамда мураккаблигига, 45 фоизи хом ашёдан фойдаланишдаги муаммоларга эътибор қаратган. Эътиборли жиҳати, бизнес субъектлари валюта операциялари, кредит ресурсларидан фойдаланиш, нақд пул маблағлари, асоссиз текширувларга оид масалаларни кўтаришмаган. Демак, бу валюта сиёсатини либераллаштириш, банк-молия тизимини такомиллаштириш, давлат хизмати фаолиятини ислоҳ қилиш, давлат хизматларининг замонавий тизимларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилганининг натижасидир. Респондентларнинг 59 фоизи бизнес юритиш шарт-шароитларини қулай, 16 фоизи ноқулай, деб баҳолаган, тўртдан бири эса жавоб беришга қийналган.

— Бизнес ҳамжамиятининг фикрларини ўрганиш учун онлайн-услублар қўлланилди, тадбиркорларимиз фаол ишлатадиган ижтимоий тармоқлар, веб-ресурслар имкониятларидан фойдаланилди, — деди "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази директори Дурбек Аҳмедов. — Бу ишбилармонлик соҳасидаги ўткир муаммоларни аниқлаш имконини берди. Мамлакатда бизнес юритиш ҳамда чет эл инвестициясини фаол жалб этишга салбий таъсир ўтказадиган 56 омил таҳлил қилинди. Сўров натижалари кўрсатдики, давлат ҳокимияти ва бизнес ҳамжамияти ўртасида очиқ мулоқотнинг йўлга қўйилиши долзарб муаммоларни тезкор ҳал этишда муҳим омил бўлаяпти.

Анжуман қатнашчилари минтақаларда тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга кенг имконият берадиган ҳамда бу йўлда тўсиқ бўладиган жиҳатларни муҳокама қилди. "Ernst&Young" ва "KPMG" сингари нуфузли консалтинг компаниялари валюта сиёсатини либераллаштириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолаб, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича ўз тажриба ҳамда таклифлари билан ўртоқлашди.

— БМТ учун ислоҳотлар жараёнида инвесторларнинг ҳам, хусусий секторнинг ҳам фикрларига қулоқ тутилиши муҳим аҳамиятга эга, — деди БМТ резидент-координатори, Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Ҳелена Фрейзер. — Тадқиқот кўплаб соҳалар учун хос бўлган асосий жиҳатларни аниқлаш имконини берди. Сўров натижалари солиқ маъмурияти, банк сектори ҳамда ер участкаларини ажратишда барчага тенг шароит яратиш учун амалдаги тартиб-таомилларни соддалаштириш зарурлигини кўрсатди. Энг муҳими, давлат органларининг бизнес ҳамжамияти билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқоти давлатнинг ишбилармонлик муҳитини рағбатлантириш мақсадида фаол, аниқ сиёсий ва маъмурий чора-тадбирларни кўришга тайёрлигини тасдиқлайди.

— Ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётида фундаментал янгиланишлар амалга оширила бошланди ҳамда бизга Италия, Исроил ва АҚШдаги ҳамкасбларимиздан мазкур ўзгаришлар ҳақида маълумотлар сўраб мурожаатлар келиб туша бошлади, — деди "KPMG" консалтинг компаниясининг Россия ҳамда МДҲда инвестициялар ва капитал бозори бўлими раҳбари Лидия Петрашова. — Айтиш жоизки, ахборотлар очиқ-ошкора бўлиши, статистика маълумотлари сифати яхшиланиши билан мамлакатдаги янгиланишларга бўлган қизиқиш ортаяпти. Рейтингларни жорий қилиш республика ҳудудлари инвестициявий жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Биз бу борада тажрибамиз билан ўртоқлашишга тайёрмиз.

Анжуманда соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, ҳудудларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўлидаги долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

**турли хил товарларни сотиб олиш учун танлов савдоларини эълон қилади.**

**1. Савдо предмети:**

— кийим-кечак ва формали техник кийим-кечаклар (учувчилар учун);
— препаратлар, дори ва дезинфекцияловчи воситалар ҳамда тиббиётда фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар;
— тиббиёт аппаратураси ва жиҳозлари;
— ёқилғи-мойлаш материаллари;
— ювиш воситалари (кир ювиш кукуни, атир ва хўжалик совунлари);
— китоб ва бланк маҳсулотлари;
— компьютер техникаси ва жиҳозлари, оргтехника, кўп функцияли мослама, компьютер ҳамда оргтехника учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар;
— аккумулятор батареялари;
— автомобиль шиналари;
— ёруғ акустик блок баланд товушли мослама (мигалка) билан;
— лок-бўёқ маҳсулотлари;
— видеокузатув тизими (мониторлар, видеокузатув тизими учун рекордерлар);
— телекоммуникацион жиҳозлар ва алоқа воситалари;
— тренажерлар, полигон жиҳозлари;
— спорт моллари ва инвентарь;
— қўриқлаш ва ёнғинни ўчириш воситалари;
— резина техника маҳсулотлар;
— электролит ва электродлар;
— кабель-ўтказгич маҳсулотлар;
— оргтехникани таъмирлаш бўйича хизматлар.

Танлов савдоларида танлов шартларини бажарадиган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотларни керакли ҳажмда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари қатнашиши мумкин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эҳтиёжи учун харидни амалга ошириш бўйича доимий фаолият юритадиган ишчи комиссия манзили:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети жойлашган чорраҳа. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 269-88-51, 269-87-79, 269-87-51, 269-88-69, 269-87-55.
Факс: (0-371) 260-39-96, 269-87-21.
Электрон почта: mudofaa@cron.uz

**3.** Етказиб бериш шартлари — Тошкент шаҳридаги омборга, хорижий етказиб берувчилар учун — CIP-Тошкент.

**4.** Етказиб бериш муддати — шартнома бўйича, аммо 2018 йил 20 декабрдан кечиктирмай.

**5.** Тўлов шартлари — 15 фоизи олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи тўлиқ етказиб берилганидан сўнг.

**6.** Тижорат таклифлари якшанбадан ташқари ҳар куни қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети жойлашган чорраҳа.**
**Факс: (0-371) 260-39-96, 269-87-21.**

Тижорат таклифида унинг амал қилиш муддати, етказиб бериш кафолати, тўлов ва етказиб бериш шартлари (алоқа учун телефонлар, ташкилотнинг юридик манзили) кўрсатилиши лозим.

**7.** Ташкилотлар тижорат таклифи билан бирга қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:
— ташкилотнинг ҳолати ҳақида (ташкилот қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаганлиги тўғрисида);
— ташкилот ташкил этилган сана;
— буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик суди муҳокамасида иши кўриб чиқилмаётганлиги тўғрисида.

**8.** Учувчилар учун тикиладиган формали техник кийим-кечаклар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг техник талабларига мос равишда тайёрланиши лозим. Корхона ва ташкилотлар техник талаблар билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида, шунингдек, мазкур кийим-кечакларни тикиш тартиби бўйича маслаҳатларни вазирликнинг Тажриба-синов конструкторлик маркази жойлашган қуйидаги манзилда танишишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 27-уй. Телефон: (0-371) 291-65-81.
Мўлжал — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий буюм базаси.

**Шунингдек, қуйидагиларни сотамиз:**

**латта-путталар ва ҳар хил буюмлар (утиль), эски-туски, увада ҳамда қийқиндилар (ветошь), турли хил ишлатилган автошиналар ва бошқалар.**

**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 269-88-01, 269-88-03.**

328R/86

**Ўзбекистон Республикаси**
**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги**

## Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

**қуйидаги компьютер ва бошқа техникаларни сотиб олиш учун тендер эълон қилади.**

| Т/р | Номи | Сони |
|---|---|---|
| 1. | Компьютер CPU Intel G3900 Tray /CPU Cooler/ Computer Motherboard Biostar MB H1 10 MHC/RAM Kingston 4GB DDR4/ HDD500GB/мультимедиа клавиатураси/Monitor MI000 19D/ MS Windows 10 Home for Entry Desktop/AIO DOEM/ Case ATX 450W/оптик сичқонча | 5 |
| 2. | Компьютер CPU Intel G3900 Tray /CPU Cooler/ Computer Motherboard Biostar MB H1 10 MHC/ RAM Kingston 4GB DDR4/ HDD500GB/мультимедиа клавиатураси/Monitor MI000 22D/ MS Windows 10 Home for Entry Desktop/AIO DOEM/ Case ATX 450W/оптик сичқонча | 6 |
| 3. | Тармоқ фильтри Defender DFS 155,5 м. қора рангли, 5 розеткали, 5 метр | 11 |
| 4. | UPS-600 VA (компьютер учун) | 55 |
| 5. | Кондиционер | 8 |
| 6. | Чангюткич | 1 |
| | **Жами** | **86** |

**Шартнома шартлари:**

- олдиндан тўлов — шартнома тузилганидан сўнг 10 банк куни мобайнида шартнома умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида амалга оширилади;
- товарни етказиб бериш муддати — 15 фоизи олдиндан тўлов амалга оширилган санадан бошлаб 20 банк куни мобайнида;
- 85 фоизи — охирги тўлов товар етказиб берилганидан сўнг 10 банк куни мобайнида.

Агар етказиб берувчи томонидан товар ўз вақтида етказиб берилмаса, қонунда белгиланган тартибга кўра, етказиб берувчидан жарима ундирилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 234-58-11, 235-17-44.**
**Электрон почта: inspeksiyajkf@mail.ru**

331R/171

**Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар ва қўшма корхоналар ҳамда илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва таълим муассасалари раҳбарлари диққатига!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

**2017/2018 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни давом этаётганлиги тўғрисида хабар қилади.**

Шу муносабат билан 2018 йилнинг 14 апрелида институт биносида иш берувчилар иштирокида «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси ўтказилади. Йўл-транспорт соҳаси ихтисосликлари бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга битирувчи кадрларимизга эҳтиёжи бўлган корхона ҳамда ташкилотлар, муассасалардан буюртмаларни жорий йилнинг 13 апрелидан кечиктирмасдан 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уйга, (0-371) 232-14-98 факсига ёки www.tayi.uz сайтига, шунингдек, devonxona@tayi.uz электрон манзилига контакт реквизитларини қолдирган ҳолда юборишларини сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-08-27, 232-14-98, 236-77-93.

**2017/2018 ўқув йилида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтини битирувчилар тўғрисида маълумот**

### БАКАЛАВРИАТ

Вилоятлар кесимида битирувчилар сони

| Т/р | Коди | Бакалавриат таълим йўналишлари | Жами г | Жами ш | Қорақалпоғистон Республикаси г | Қорақалпоғистон Республикаси ш | Андижон вилояти г | Андижон вилояти ш | Бухоро вилояти г | Бухоро вилояти ш | Жиззах вилояти г | Жиззах вилояти ш | Навоий вилояти г | Навоий вилояти ш | Наманган вилояти г | Наманган вилояти ш | Самарқанд вилояти г | Самарқанд вилояти ш | Сурхондарё вилояти г | Сурхондарё вилояти ш | Сирдарё вилояти г | Сирдарё вилояти ш | Тошкент вилояти г | Тошкент вилояти ш | Қашқадарё вилояти г | Қашқадарё вилояти ш | Фарғона вилояти г | Фарғона вилояти ш | Хоразм вилояти г | Хоразм вилояти ш | Тошкент шаҳри г | Тошкент шаҳри ш | Бошқа давлатлар г | Бошқа давлатлар ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5340800 | Автомобиль йўллари ва аэродромлар | 38 | 71 | 1 | 8 | | 2 | 7 | 1 | 1 | | 3 | 10 | 1 | 1 | 3 | 6 | 2 | 6 | 1 | | 2 | 4 | 5 | 6 | 6 | 6 | 1 | 2 | 5 | 19 | | |
| 2. | 5340600 | Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси | 13 | 27 | | | | | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | | | | | 1 | | 2 | | 2 | 3 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 3 | 8 | | |
| 3. | 5111000 | Касб таълими: автомобиль йўллари ва аэродромлар | 5 | 11 | | | | 1 | 2 | 2 | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | 1 | 1 | | 2 | 2 | | | | | | | |
| 4. | 5310600 | Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 91 | 146 | 4 | 5 | | 3 | 9 | 7 | | 2 | 10 | 4 | 1 | 1 | 1 | 15 | 6 | 9 | | 2 | 16 | 26 | 11 | 7 | 11 | 20 | 9 | 8 | 13 | 37 | | |
| 5. | 5111000 | Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 3 | 12 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 2 | 4 | | 1 | | 3 | | | 1 | 1 | | |
| 6. | 5620100 | Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси | 20 | 78 | | 1 | 1 | 2 | 5 | 4 | | 3 | | 5 | | 5 | 1 | 3 | 1 | 3 | | | 1 | 14 | | 4 | 1 | 8 | | 3 | 10 | 23 | | |
| | | **Жами** | **170** | **345** | **5** | **14** | **1** | **9** | **24** | **17** | **2** | **7** | **14** | **20** | **2** | **8** | **5** | **27** | **9** | **23** | **1** | **4** | **25** | **54** | **17** | **22** | **21** | **38** | **12** | **14** | **32** | **88** | | |

### МАГИСТРАТУРА

Вилоятлар кесимида битирувчилар сони

| Т/р | Коди | Магистратура мутахассисликлари | Жами г | Жами ш | Қорақалпоғистон Республикаси г | Қорақалпоғистон Республикаси ш | Андижон вилояти г | Андижон вилояти ш | Бухоро вилояти г | Бухоро вилояти ш | Жиззах вилояти г | Жиззах вилояти ш | Навоий вилояти г | Навоий вилояти ш | Наманган вилояти г | Наманган вилояти ш | Самарқанд вилояти г | Самарқанд вилояти ш | Сурхондарё вилояти г | Сурхондарё вилояти ш | Сирдарё вилояти г | Сирдарё вилояти ш | Тошкент вилояти г | Тошкент вилояти ш | Қашқадарё вилояти г | Қашқадарё вилояти ш | Фарғона вилояти г | Фарғона вилояти ш | Хоразм вилояти г | Хоразм вилояти ш | Тошкент шаҳри г | Тошкент шаҳри ш | Бошқа давлатлар г | Бошқа давлатлар ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5А340602 | Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича) | 2 | 3 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 2. | 5А310601 | Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (транспорт турлари бўйича) | 3 | 7 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | 3 | 1 | | | 2 | | | 1 | | | |
| 3. | 5А620102 | Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (автомобиль транспорти) | 1 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 4. | 5А620101 | Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) | 2 | 2 | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 5. | 5А340801 | Автомобиль йўллари ва аэродромлар | 4 | 3 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 3 | | | |
| 6. | 5А340205 | Кўприклар, тоннеллар ва метрополитен қурилиши | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | |
| | | **Жами** | **14** | **18** | | | **1** | | | | | | **1** | **4** | | **1** | | | | **1** | | | **1** | **6** | **2** | | **1** | **3** | **1** | | **7** | **3** | | |

*Г — давлат гранти асосида, Ш — тўлов-шартнома асосида.*

310R/167

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6